

## МАХСУС ЛЕКСИКАСИ ХУСУСИДА

Гулнора Якубовна Гулямова

филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент,  
Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, Ўзбекистон  
g.gulyamova@tsul.uz



Хуқуқ кичик тилининг лексик таркиби шундай мақротизимки, у гинезис, семантик белгилар, номинация усулларига ва микротизимнинг функционал аҳамиятига қўра ўзаги бир бўлмаган ифодаларни бирлаштиради. Худди шундай хуқуқ кичик тилининг умумий лексик воситалари маҳсус матнлар шакллантиришни таъминловчи муайян функционал услуга мансуб бирликлар билан боғлиқдир. Юридик тилга оид матнлар ахбороти маҳсус лексика воситалари томонидан ифода қилинади ва бу лексика ўзаги бир бўлмаган лексик бирликлар йиғиндисидан иборат бўлади.

“Maxsus leksika” тушунчасини олим Т.А.Яцюк 2 хил: тор ва кенг маънода ифодалайди. Тор маънодаги маҳсус лексика қайси бир кичик тил лугатининг термин бўлмаган (ўзбек тилидаги манбаларда ноатама деб қўлланилади) қисми сифатида тушунилади. Кенг маънодаги маҳсус лексика эса кичик тил матнлари, умумий тил воситаларини ҳам ўз ичига олган ҳолда шакллантирувчи барча лексик бирликларнинг йиғиндиси сифатида тушунилади<sup>1</sup>.

Т.А.Яцюк маҳсус лексика *терминология, номенклатура, қасб-ҳунар лексикаларини ўз ичига олишини таъкидлайди*<sup>2</sup>. Олимнинг фикрича, тилнинг чегараланган қатламига мансуб тушунчаларнинг ҳаммаси ҳам маҳсус лексика ҳисобланмас экан.

“Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да *номенклатура* сўзига қўйидагича таъриф берилади: 1.“Ишлаб чиқариш, фан, техника, санъат соҳаларидан бирида қўлланиладиган номлар, атамалар, терминлар ва шу ном билан аталувчи нарсалар рўйхати, мажмуи”. 2. Раҳбар ташкилотлар томонидан тайинланадиган лавозим.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Яцюк Т.А. Терминология и дискурс права. Т., Фан. 1992. – С. 35.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1. М., Рус тили. 1981. 509-6.



**Proceedings of International Conference on Scientific Research in Natural and Social Sciences**  
Hosted online from Toronto, Canada.  
**Date:** 5<sup>th</sup> December, 2022  
**ISSN:** XXXX-XXXX

**Website:** econferenceseries.com

А.А.Реформатский номенклатураны қуйидаги изохлайди: “Номенклатура – бу терминология билан боғлиқ тушунчалар тизими түғрисида эмас, балки элементлар ва тартибнинг тафовутлари түғрисида маълумот бериши мумкин бўлган турли нарсаларга тегишли номлар йиғиндисидир... Терминология муайян фан тизимини ифода этишга даъват этилган. Номенклатура эса ёрдамчи тил воситасидир”<sup>4</sup>.

Дарҳақиқат, терминология соҳа тилининг маҳсус лексик қатламиdir. А.А.Реформатский таъкидлаганидек, муайян фан тизимини ифода этишга даъват этилган соҳа. Унинг луғавий обьекти номенклатурага нисбатан анча кенг. Шу боис терминология ва номенклатура чегараланган қатлам ичиаги алоҳида-aloҳида тушунчалардир.

Умумий тилшуносликда тилнинг чегараланган қатламига мансуб бўлган маҳсус лексика ҳисобланган профессионализм (касб-хунар лексика), арго ва жаргонларни тарминлар билан аралаштириш ҳоллари ҳам учраган. Масалан, “Профессионализмы обозначают специальные понятия, орудия или продукты труда, производственные процессы. Поэтому их называют иногда специальными словами или специальными терминами”<sup>5</sup>.

Тўғри, касб-хунарга кўра чегараланган луғавий бирликларнинг асосий қисмини мазкур соҳа сўзлари ташкил этади. Масалан, *попопчилик, ипакчилик, зардўз, косибчилик, кулол* ва б. Шу жиҳатдан касб-хунар сўзлари терминга ўхшаб кетади, лекин улар маъноси жиҳатдан терминларга нисбатан анча кенг, яъни касб-хунар лексикасининг аксарият кўп қисми умуммуомаладаги сўз бўлиб, уларнинг ишлатилиш чегараси терминлардаги каби аниқ эмас: *ранда, заргар, пайвандловчи, каишта, кирпеч* кабилар. Шу билан бирга касб-хунар лексикаси ичida илмийлик хусусиятига эга бўлган тор маънодаги соҳа сўзлари ҳам бор: *реглан, культивация, оверлог, парма* ва б.

Демак, касб-хунар лексикаси ичida илмийлик хусусиятига эга бўлган тор маънодаги расмий сўзлар терминлар ҳисобланади. Шу боис касб-хунарга оид барча сўзларни, шу жумладан, тилнинг чегараланган қатламига тегишли лингвистик тушунчаларнинг ҳаммасини терминология билан аралаштириш

<sup>4</sup> Яцюк Т.А. Терминология и дискурс права. Т., Фан. 1992. – С. 36.

<sup>5</sup> Борисова Л.Т., Я.Л.Донской. Профессионализмы и профессиональные жаргонизмы в отраслевом терминологическом словаре. Термины и их функционирование. Межвузовский сборник. Горький, 1987. – С. 34.



түгри эмас. Худди шундай жаргон ва арголар бадий услугга хос сўзлардир. Уларда илмийлик хусусияти бўлмайди, бундай сўзлар асосан сўзлашув ва бадий нутққа хосдир. Масалан, *кўк, дум, мент, хитланмоқ, лой, ухлатмоқ, бедана* қабилар.

Тилнинг маҳаллий кўриниши ҳисобланган шева сўзлари ҳам маҳсус лексика ҳисобланса-да, лекин улар ҳам термин эмас, улар муайян бир шева вакиллари нутқида қўлланилади. Бундай сўзлар адабий тил сўзларидан грамматик, луғавий, фонетик жиҳатдан фарқ қиласди. Масалан, пашша-чивин, ака-ока, дада-ада, соат-соғот ёки -да келишик қўшимчасини -га билан аралаштириб қўллаш қабилар шулар жумласидандир. Ҳатто адабий тилда бир хил маънога эга ҳаракат тушунчаси шеваларда турли тарзда ифодаланади:

Кўчатни олиб ташламоқ (Тошкент ш.).

Кўчатни суғуриб ташламоқ (Фарғона вод. ш.).

Кўчатни қўпориб ташламоқ (Хоразм ш.).

Демак илм-фан, техника, қишлоқ хўжалиги ва санъатга оид тушунчаларнинг аниқ номини билдирувчи бир маъноли расмий услугга хос сўз ва бирималар терминлар ҳисобланади.

Тилнинг маҳсус лексикаси ҳисобланган термин маънонинг аниқлиги, моносемантиклиги, расмийлиги билан бошқа лексикалардан фарқланади. Яъни термин маълум соҳада, шу соҳа вакиллари нутқида қўлланиладиган расмий сўздир.

Худди шундай, юридик терминология қонунчилик, юриспруденция, юридик амалиётда ишлатиладиган тушунчалар йиғиндиси, яъни терминлар тизимини ифода этувчи мураккаб лисоний соҳадир.

Юридик соҳада маҳсус лексика ҳисобланган юридик терминда тушунча ва сўз муносабатини Т.А.Яцюк аниқ ифодалаб берган. Олим тушунча категорияси ва семантик категорияларни терминология номинацияларига бирлашишини таъкидлаган. Масалан, терминнинг семантик алоқадорлиги номинатив қисм таркибида ҳам аниқ сезилади: *агрессия, мафия, террор*.

Демак семантика доирасида термин билан нотермин ўртасидаги чегара кўпинча сўзнинг маъноси ичida бўлади. *Гаров*: 1. Гаров ўйнаб ютқазмоқ. 2. Гаров шартнома ёки қонун асосида юзага келади.



Кўринадики, термин оддий муомаладаги сўз каби лексик аҳамиятгагина эга бўлмай, балки у бир тушунчани белгилаш функцияси билан мантиқий томондан ифодалайди. Термин расмий ва илмий услубнинг лексик тизими муносабатида бўлади. Терминнинг меъёрий белгиларидан бири унинг экспрессив-стилистик бўёқлардан холилигидир. Лекин қатор юридик терминларда, юқорида таъкидланганидек, туйғуга йўғрилган компонентлар учрайдики, улар салбий оҳанг касб этади. Масалан, қотил, қаллоблик, *фирибгарлик*, *фоҳшиша*, *ўгери*, *төвламачилик* каби терминлар шулар жумласидандир. Бу терминлар бошқа сўз, бирикма ва контекстсиз ҳам салбий маъно ифодалайди. Яна шундай терминлашган юридик сўзлар ҳам борки, улар шу соҳада ўзининг нейтраллик хусусиятини йўқотади. Масалан, *шерик ва иштирокчи* терминлари жиноят хукуқида ижобийдан кўра салбий маънода тушунилади: “Икки ва ундан ортиқ шахснинг жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади” (ЖК. 28-модда). Хуллас, термин тизими (мантиқий тушунча аспекти), тил системаси (функционал-семантический аспект) ва нутқий фаолият (коммуникативлик) юридик терминологиянинг асосий методологик йўналиш обьекти бўлиб хизмат қиласи. Шу сабабли, юридик термин ҳам шу соҳада номланишнинг шундай бирлиги, у аниқ бир тушунчани ифодалаб, бошқа тушунчалар билан алоқада бўлади ва бутун терминологик тизимни ташкил этади.

### **Адабиётлар:**

1. Базарова, Н. (2020). ЮРИДИЧЕСКИЕ ТЕРМИНЫ В ПРОИЗВЕДЕНИИ «ШАЙТАНАТ» ТОХИРА МАЛИКА. Review of law sciences, 4(Спецвыпуск), 194-199.
2. Bozorova, N. P., & Turabayeva, L. K. (2022). The works of ChingizAytmatov and the contemplation of the bookstore. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities, 12(1), 57-59.
3. Ramazonov, N., Khonnazarov, E., Choriev, O., & Yulbarsov, O. (2020). Interpretation and artistic function of the Concept of Faqr in Alisher Navoi's lyrics. INTERPRETATION. â, 1633-1641.
4. Ramazonov, N., Bozorova, N., Niyazova, N., & Choriev, O. (2021). ON THE RELATIONSHIP OF THE SUFI CONCEPT OF FAQR () AND THE رفف



## CHARACTERS IN THE LYRIC POETRY OF ALISHER NAVOI. 湖南大学学报 (自然科学版), 48(8).

5. Gulyamova, G. (2022). TERM AND CONCEPT IN LEGAL TERMINOLOGY. Academic research in educational sciences, 3(1), 181-190.
6. Расулмухамедова, Д., & Турабаева, Л. (2022). Выражение идеи свободы в творчестве Гафура Гуляма. Academic research in educational sciences, 3(1), 530-536.
7. Зиямухамедова, Ш. (2022). Бобур ғазаллари лексикаси бўйича конкорданс-луғат (116та ғазал мисолида). Общество и инновации, 3(2), 24-30.
8. Зиямухамедова, Ш., & Адилбекова, Ж. (2022). ВЛИЯНИЕ ЯЗЫКА НА СОЗНАНИЕ, КУЛЬТУРУ И МИРОВОЗЗРЕНИЕ. Academic research in educational sciences, 3(1), 537-546.
9. Расулмухамедова, Д. Т. ОБРАЗ АМИРА ТИМУРА В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ. XV ВИНОГРАДОВСКИЕ ЧТЕНИЯ, 133.
10. Рамазанов, Н. (2020). Право и литература: правовой дискурс в литературе и перспективы трактовки правовых текстов художественными методами. Review of law sciences, 4(Спецвыпуск), 180-188.
11. Пулатова, У. (2021). Отбор и описание лингвистических средств, представленных в уголовно-процессуальных документах. Общество и инновации, 2(5/S), 30-38.
12. Пулатова, У. (2020). Формирование и развитие письменной речи студентов-юристов на современном этапе. Review of law sciences, (2), 287-289.
13. Гулямова, Г. (2020). Изучение гипонимии и синонимии юридических терминов в условиях дистанционного обучения. Review of law sciences, (2), 250-253.
14. РАСУЛМУХАМЕДОВА, Д. ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ ШАХС ТАЛҚИНИ. UNIVERSITETI XABARLARI, 2020,[1/6] ISSN 2181-7324.